

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ МД – 3.01

2016 йил “9” 01



Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

2016 йил “22” 01

МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100 000	- Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси:	110 000	- Педагогика
	120 000	- Гуманитар фанлар
Мутахассислик:	5A 111401	- Хорижий тил ва адабиёти (роман-герман тиллари)
	5A 120101	- Адабиётшунослик (инглиз адабиёти)
	5A 120102	- Лингвистика (роман-герман тиллари)
	5A 120201	- Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари)
	5A 220102	- Халқаро журналистика (масс-медия назариялари)
	5A 220102	- Халқаро журналистика (спорт журналистикаси)

ТОШКЕНТ – 2016

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” январдаги “26”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “9” январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фаннинг дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидан ишлаб чиқилди.

Тузувчи:

Махкамова Г.Т. – ЎзДЖТУ, “Лингвистика ва инглиз адабиёти”
кафедраси профессори, п.ф.д.;

Такризчилар:

Юзликаев Ф. – ТДПУ, “Инглиз тили назарияси ва ўқитиш
методикаси” кафедраси профессори, п.ф.д.;

Караева К. – ЎзДЖТУ, “Замонавий педагогик технологиялар”
кафедраси доценти, п.ф.н.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил “26” ноябрдаги 4-сонли баённома).

КИРИШ

Мазкур дастурда “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фанининг қонуниятлари, инновацион технологиялар моҳияти ва уларни амалга татбиқ этиш йўллари, дидактика соҳасига доир тадқиқотлар методлари, махсус фанларни ўқитишга нисбатан замонавий ёндашув, метод ва технологиялар, назарий ва амалий машғулотларни режалаштириш ва ташкил этиш, ўқув-услубий воситаларни танлаш каби фан мазмунини ташкил этувчи масалалар ўз аксини топган. Ушбу фан доирасида ўрганиладиган билимлар магистрантларнинг келгусида таълим тизимида педагог сифатида самарали фаолият юритишларига, хусусан турли педагогик ва психологик усулларни таҳлил қилиш, янгиларини ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш, тарбиявий ишларни лойиҳалаштириш, таълим жараёнидаги муаммоли вазиятларни ҳал этишларида муҳим аҳамият касб этади.

Фаннинг мақсад ва вазифалари

Ушбу фаннинг мақсади магистрантларни олий таълим тизимида махсус фанларни ўқитиш методикаси, методологияси, назарий ва амалий асослари, уларнинг келгусидаги педагогик ва илмий-тадқиқот фаолияти учун зарур бўладиган замонавий педагогик ва психологик билимлар билан таништириш, жумладан

- давлат таълим стандартлари ва улар асосида ишлаб чиқиладиган намунавий фан дастурлари, ўқув режаларни ишлаб чиқиш тартиби;
- махсус фанларни ўқитишда оптимал стратегияни танлай олиш, замонавий таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва амалга татбиқ этиш;
- махсус фанларни ўқитиш методикасини такомиллаштиришда илмий-тадқиқот ва таълим соҳасидаги инновациялардан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантиришдир.

Фаннинг вазифаси - махсус фанларни ўқитиш бўйича магистрантларнинг педагогик маҳоратини ошириш, амалий ва назарий машғулотларни ташкил этишнинг замонавий методлари билан таништириш, махсус фанларга доир ўқув-услубий материалларни таҳлил қилиш, машғулотларнинг турли усулларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш, шунингдек, талабалар билим даражасини назорат қилиш ва баҳолашнинг замонавий йўлларини ўргатиш.

Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

“Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фанини ўзлаштириш жараёнида магистрант:

- фаннинг мақсади, вазифаси ва предмети;
- олий таълим тизимида педагогик фаолият юритишнинг моҳияти ва муаммолари;
- махсус фанларни ўқитишдаги ютуқ ва муаммолар, педагогик фаолиятни моделлаштиришнинг замонавий усуллари, Болония жараёни декларацияси ва Ўзбекистон Республикасининг жаҳон таълим тизимида интеграцияси *тўғрисида тасаввурга эга бўлиши лозим.*

Ўқув жараёнида билимларнинг фундаментал асосларини, илм-фан ютуқларини қўллай олиш, ўқитилаётган фаннинг бошқа фанлар билан алоқаси, фаннинг асосий муаммо ва ютуқларини билиши ва фан мавзуларини модулларга ажрата олиш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

Махсус фанларни ўқитишда илмий-тадқиқот натижаларидан фойдаланиш, олий таълимда ўқув-методик ва илмий ишларни олиб бориш – аудиторияга мос ўқув материалларини танлаш, мавзулар бўйича топшириқ, машқ ва тестлар тузиш, ўқув ва тарбиявий ишларни тизимлаштириш, шунингдек, махсус фанларни ўқитишда оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, машғулотларда мавзуга мос таълим технологиялари, компьютер техникаси ва ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш, талабаларнинг мустақил мустақил таълим кўникмаларини ҳамда уларнинг касбий ва ижодий маҳоратларини ривожлантириш, педагогик фаолияти билан боғлиқ турли вазиятларда ўзини қўлга олиш *малакаларига эга бўлиши лозим.*

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

“Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фани 2 курсда ўқитилади. Ушбу фан мутахассислик фанлари билан узвий боғлиқ. Фан бакалавриат босқичида ўқитилган “Педагогика”, “Психология”, “Тиллар ўқитиш методикаси ва таълим технологиялари” каби фанларнинг мантикий давоми ҳисобланади. Фан магистратура мутахассисликлари ўқув режасидаги умумметодологик ва мутахассислик фанлари билан узвий боғлиқликда ўқитилади.

Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

“Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фани ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғланмаган. Фан доирасида ўзлаштирилган билимлар магистрантларнинг таълим муассасаларида педагогик фаолият билан шуғулланишларида, махсус фанларни самарали ўқитишларида муҳим аҳамият касб этади.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Фанни ўқитишда қуйидаги метод ва педагогик технологиялардан фойдаланиш тавсия этилади:

Маъруза машғулотида: Ақлий ҳужум, Маълумот алмашиш, Баҳс, Қиёсий таҳлил, Зигзаг, Блиц-сўров, Венн диаграммаси, Схема-Т, Кластер, Кейс-стади, Ролли ўйинлар, Рефлексив усуллар, Алгоритмлаш. Шунингдек,

- иллюстратив;
- диалогик;
- муаммоли изланиш;
- лойиҳа;
- гуруҳ бўлиб ишлаш;
- ўз-ўзини ривожлантирувчи;
- билимларни фаол ўзлаштириш;
- инфорацион-коммуникатив усул ва технологиялардан фойдаланилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Фаннинг назарий машғулотида тахминий рўйхати Махсус фанларни ўқитиш методикасига кириш

Замонавий таълим тушунчаси. Таълим тизими тараққиётининг жаҳон тенденциялари. Таълим сифатини таъминлаш мақсадида тизимни бошқариш тамойиллари. Ўзбекистонда таълим тизими. “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” нинг бошқа фанлар билан алоқаси. Махсус фанларни ўқитишнинг асосий тоифалари. Қиёсий методика.

Қиёсий методика

“Қиёсий методика” тушунчаси. Қиёсий методиканинг мақсади, вазибалари ва ўрганиш объекти. Турли таълим муассасаларида ўқитиш методикаси (мактаб, академик лицей, коллеж, ОТМ). Ўқитишнинг турли босқичларида таълимни индивидуаллаштириш ва табақалаштириш муаммолари. Интеллектуал салоҳият назарияси. Назоратга қўйиладиган замонавий талаблар. Турли таълим муассасаларида ўқувчи ва талабалар эгаллаган билимларни баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари.

Педагогнинг умумқасбий компетенцияси

Компетентли ёндашув технологиясининг умумий тавсифи. Педагогнинг қасбий фаолияти. Замонавий педагог ва унга қўйиладиган талаблар. Замонавий таълим тизимида шахснинг ўз-ўзини тарбиялаши. Замонавий педагогнинг қасбий маҳорати. Қасбий-педагогик ўз-ўзини

бошқариш педагог компетентлигининг асоси сифатида. Компетентлик тушунчалари ўртасидаги ўзаро муносабат. Муаммоли вазиятларга ечим топишда касбий компетентлик.

Касбий-педагогик маданият

Касбий-педагогик маданият – моҳир педагогнинг асосий хусусияти сифатида. Педагогик фаолият субъектлари. Педагогик фаолият юритувчилар - педагогик фаолият субъектлари сифатида. (Педагогик фаолият, педагогик фаоллик, педагогик мулоқот). Касбий-педагогик маданиятнинг психологик компонентлари (тахлилий-рефлексив, ташкилий, баҳоловчи-информацион, тузатувчи, ўз-ўзини бошқарувчи аспектлар). Педагогик мулоқот маданияти касбий-педагогик маданиятнинг етакчи компоненти сифатида. Педагогик мулоқотнинг етакчи стратегиялари: субъектлараро мулоқот, диалог, ҳамкорлик ва б. Педагог қиёфасининг компонентлари.

Олий таълим тизимида ўқитиш методикаси

Олий таълимда педагогик фаолиятнинг асосий турлари: маъруза - таълим тизимининг етакчи компоненти сифатида, маърузанинг асосий вазифалари, маърузани тайёрлашнинг асосий методик аспектлари ва уни ўтказиш, маъруза турлари ва уларнинг тавсифи. Семинар ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Амалий машғулот ва амалиёт тўғрисида тушунча, уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Амалий дарсларнинг турлари. Амалий машғулотларни ташкил этиш. Амалиётни ташкил этиш ва ўтказиш. Лаборатория машғулотларини лойиҳалаштириш ва ўтказиш. Ўқитишнинг таълим-тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифалари. Ўқитиш жараёнида билим, малака ва кўникмаларни шакллантириш. Ўқитиш натижаларини назорат қилиш сифати. Талаба илмий ишларининг турлари (курс иши, битирув малакавий иш, магистрлик диссертацияси, тезис, доклад, мақола). Педагогик эксперимент, унинг методлари, босқичлари ва ташкил этиш шартлари.

Педагогик фаолиятда инновациялар

Инновация тушунчаси, педагогик инновацияларни қўллаш. Педагогик инновацияларнинг турлари: янги ғоялар, технологиялар, педагогик фаолиятда янги воситалар, метод ва шаклларни қўллаш. Ўқув жараёнига янги тизимни жорий этиш. Инновацион технологияларни ўрганиш ва педагогик фаолиятда қўллаш. Педагогнинг инновацион фаолиятини рағбатлантириш:

танловлар, муаллифлик дастурлари ва ўқув адабиётлари тақдимотини ўтказиш, грантларда ва педагогик маҳорат бўйича танловларда иштирок этиш. Касбий маҳоратини ошириб бориш – педагог инновацион фаоллигининг омили сифатида.

Ўргатувчи дастурларни лойиҳалаш методикаси

Курснинг ўқув ва илмий-методик таъминотида қўйиладиган замонавий талаблар. Ўргатувчи муаллифлик дастурларини ишлаб чиқиш ва ўқув адабиётларини яратиш масалалари. Модул дастурлари ва курсларни ишлаб чиқишнинг методик асослари (моҳияти ва асосий мақсадлари, ўзига хос хусусиятлари, тамойиллари). Таълимни автономлаштириш. Модулларнинг тузилиши ва мазмуни. Модулга асосланган дастур, унинг мазмуни, тузилиши ва таркиби. Модул технологияси асосида ўқитишнинг афзалликлари. Модул асосида ўқитишни ташкил этиш шартлари. Кейсларни ишлаб чиқиш методикаси. Инновацион технологияларини қўллаш нуқтаи назаридан ўқув воситаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш. Баҳолаш воситаларини ишлаб чиқиш методикаси (назорат саволлари, ёзма топшириқлар, тестлар.

Амалий машғулотларнинг тахминий рўйхати

- Махсус фанларни ўқитиш методикасига фанинг предмети, мақсад ва вазифалари
- Олий таълим тизимида педагогик фаолият турлари.
- Педагогнинг умумкасбий компетенцияси.
- Касбий-педагогик маданият.
- Қиёсий методиканинг хусусиятлари ва турли таълим муассасаларида дарсни ташкил этиш ва ўтказиш.
- Махсус фанларни ўқитиш методикаси: назария ва амалиёт.
- Педагогик фаолиятда инновациялар ва уларни ташкил этиш методлари ва усуллари.
- Ўргатувчи дастурларни ишлаб чиқиш, топшириқлар мазмуни.
- Назорат турлари ва назорат топшириқларини ишлаб чиқиш.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича тавсиялар

Амалий машғулотларни ташкил этиш юзасидан кафедра томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар махсус фанлар

Ўқитиш методикаси фани бўйича маърузада олган билим ва кўникмаларини амалий масалалар, кейслар, тақдимотлар тайёрлаш орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, мавзулар бўйича тақдимотлар, баҳс-мунозаралар, гуруҳ музокараларини ўтказиш ва бошқалар тавсия этилади.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар

Фан бўйича курс иши намунавий ўқув режасида режалаштирилмаган.

Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни

Магистрантларни педагогик фаолиятга муваффақиятли тайёрлаш нуктаи назаридан мустақил бажариш учун қуйидаги иш турлари тавсия этилади:

- ✓ муайян мутахассислик фани бўйича терминологик луғат тузиш;
- ✓ фаннинг айрим мавзулари бўйича тест тузиш;
- ✓ педагогик технологияларни таснифлаш ва таҳлил қилиш;
- ✓ муаммоли ўқитиш технологиясини қўллаган ҳолда махсус фан бўйича маъруза режа-конспектини ишлаб чиқиш;
- ✓ мутахассислик фанлари бўйича давлат таълим стандартларига киритилган компетенцияларни таҳлил қилиш;
- ✓ замонавий педагогнинг касбий маҳорати юзасидан тавсия ва кўрсатмалар ишлаб чиқиш;
- ✓ мутахассислик фанлари ўқув дастурларини таҳлил қилиш;
- ✓ мутахассислик фанларини модул асосида ўқитиш бўйича ишланма лойиҳасини яратиш;
- ✓ масофавий таълимда қўллаш имконини берувчи видеомаъруза фрагментини ишлаб чиқиш;
- ✓ мутахассислик фанлари бўйича ўқув адабиётлари ва интернет манбаларини таҳлил қилиш;
- ✓ мутахассислик фанларидан кейс ишлаб чиқиш;
- ✓ мутахассислик фанлари бўйича бошқотирма тузиш;
- ✓ ўйинлар ва модерация лойиҳасини ишлаб чиқиш.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари

1. Педагогик технологиялар таснифи.
2. Педагогик технологияларни тадқиқ этишнинг методологик тамойиллари.
3. Модулга асосланган ўқув дастурлари ва уларнинг тузилиши
4. Замоनावий педагогик технологияларнинг асосий хусусиятлари.
5. Замоनावий интерактив технологиялар ва улардан самарали фойдаланиш усуллари.
6. Ўзбекистон Республикасида масофавий таълимнинг ўзига хос хусусиятлари.
7. Маъруза машғулотларининг асосий вазифалари, маърузани тайёрлашнинг асосий методик аспекти.
8. Касбий-педагогик маданият.
9. Мультимедиа воситалари ёрдамида ўқув жараёнини лойihalаштириш ва амалга ошириш.
10. Замоनावий педагогнинг касбий маҳорати.
11. Махсус фанларни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари.
12. Амалий машғулотларни самарали ташкил этиш усуллари ва технологиялари

Дастурнинг информацион-услубий таъминоти

“Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фани бўйича ўтказиладиган машғулотлар учун мультимедиа воситалари билан жиҳозланган аудитория (маъруза машғулотлари учун), аудио-видео аппаратуралар (амалий машғулотлар учун), интернетга уланган компьютерлар (компьютер симуляцияларини қўллаш учун), кўргазмали қуроллар: расм, схема, жадваллар ва ҳ.к. бўлиши лозим. Шунингдек, проектор, видеофайлларни намойиш қилиш учун VLC media player (Office Power Point 7-версиясидан юқори) дастурий таъминоти бўлиши мақсадга мувофиқ.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати¹

Асосий адабиётлар:

1. Азизходжаева Н., Педагогик технологиялар. Тошкент: Шарқ, 2006.
2. Курбонов Ш.Э., Сейтхалилов Э. Таълим сифатини бошқариш. – Тошкент: Турон- Иқбол, 2006.- 592 бет.
3. Морева Н.А. Технологии профессионального образования. Гриф УМО РФ – М. : Академия, 2010. – 432 с.
4. Панфилова А.П. Инновационные педагогические технологии: Активное обучение: уч. пособие для студ. высш. уч. зав.- М.: Изд. Центр «Академия», 2009. – 192 с.
5. Психолого-педагогические основы образовательного процесса в высшей школе/ Засобина Г.А., Корягина И.И., Воронова Т.А. Учебное Учебное пособие. - Иваново: Иван. гос. ун-т., 2013. - 228 с.

Қўшимча адабиётлар:

1. Jalolov J.J. Chet til o'qitish metodikasi: chet tillar oliy o'quv yurtlari(fakultetlari) talabalari uchun darslik. – Toshkent: O'qituvchi, 2012. -432 b.
2. Махкамова Г.Т. Проектирование учебно-методических комплексов в магистратуре. –Т.: Tafakkur qanoti, 2012.
3. Полат Е.С. Новые педагогические и информационные технологии в системе образования. –М.: Издательский центр «Академия», 2002.
4. Технологии профессионального обучения: Учебное пособие для вузов. / Скибицкий Э.Г.. Пенчук Е.С.. Баранова И.В. - Новосибирск: САФБД, 2012. - 275 с.

Интернет сайтлари

1. www.pedagog.uz
2. <http://nauka-pedagogika.com/>
3. <http://prof-teacher.ru/pedagogika/tema-1-pedagogika-kak-nauka-ee-obekt-predmet-osnovnye-kategorii/>
4. <http://www.book.ru>
5. <http://flogiston.ru/library>
6. <http://psylib.myword.ru/>
7. <http://socioline.ru/node/446>
8. <http://soc.lib.ru/>

¹ Адабиётлар рўйхатида ОТМ ахборот-ресурс марказлари имкониятлари, соҳага оид замонавий манбалар ва мутахассислик фанлари хусусиятлари инобатга олинган ҳолда қўшимчалар киритилиши мумкин.

